

8-28-2019

## From the history of bazaars in Ferghana valley in the middle of XIX and at the beginning of XX

Sh. Y. Okhunova

*Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [History Commons](#)

---

### Recommended Citation

Okhunova, Sh. Y. (2019) "From the history of bazaars in Ferghana valley in the middle of XIX and at the beginning of XX," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 12.

DOI: 93/99+94/99

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss3/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

УДК: 93/99+94/99

**XIX АСР ЎРТАЛАРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ БОЗОРЛАРИ  
ТАРИХИДАН**

**ИЗ ИСТОРИИ БАЗАРОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ СЕРЕДИНЫ 19 ВЕКА – НАЧАЛА  
XX ВЕКА**

**FROM THE HISTORY OF BAZAARS IN FERGHANA VALLEY IN THE MIDDLE OF XIX  
AND AT THE BEGINNING OF XX**

Ш.Ю.Охунжонова

**Аннотация**

Мақолада XIX аср ўрталарида Фарғона водийсидаги бозорлар қандай ҳолатда бўлганлиги, бозор фақат савдо муносабатлари учун бир маскан эмас, халқ ҳордиқ чиқарадиган, ҳокимнинг турли фармонлари бозорда жарчилар томонидан эълон қилинадиган жой бўлгани ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**Аннотация**

В статье представлены сведения о том, что в середине XIX века рынок в Ферганской долине был не только местом торговых отношений, но и местом отдыха населения, местом, где глашатай оглашал распоряжения правителя.

**Annotation**

The article gives information about the bazaars in the middle of the XIX century as a place not only for bargains, but also for celebrating public holidays, and announcing the governor's decrees..

**Таянч сўз ва иборалар:** Буюк Ипак йўли, Фарғона водийси, раис, савдо.

**Ключевые слова и выражения:** Великий Шелковый путь, Ферганская долина, раис, торговля.

**Keywords and expressions:** The Great Silk Road, the Fergana valley, rais, trades.

Савдо муносабатлари қадимдан кишилик жамиятида муҳим аҳамият касб этиб келган. Айниқса, бу шаҳар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган. У ички ва ташқи савдога бўлинган. Ўрта Осиёда ички ва ташқи савдо алоқалари ўзига хос равишда ривожланиб борган [1,111]. Ўлкадаги савдо муносабатларида минтақада қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият муҳим аҳамият касб этган.

Шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий юксалишида ички ва ташқи савдо амалга ошириладиган жой – бозорларнинг ўрни бекиёс эди. Шунингдек, шаҳарларнинг мавжудлигини тасдиқловчи омиллардан бири бозорларнинг борлиги эди [2,143].

Буюк Ипак йўлида жойлашган Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг қадимий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган. Водийнинг муҳим географик жойлашуви, савдо муносабатларидаги муҳим ўрни туфайли бу ерга ҳар йили юзлаб савдо карвонлари келиб турган.

Бозорлар шаҳарликлар, деҳқонлар, туя карвонлари, отликлар, аравалар билан тўлиб, доимо гавжум эди. Айниқса, бозорлар қандолатчи, каллапаз [1], базоз [2] сомсапаз, мисгар-чилангар, новвой ва ҳолвафуруш каби сотувчилар билан лиқ тўла эди.

Бозорлар фақат савдо-сотик маскани бўлибгина қолмай,

халқ ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам эди. Шунингдек, шаҳар ҳокимининг турли фармонлари ҳам бозорда жарчилар томонидан эълон қилинар эди.

Ўрта Осиёнинг барча марказий шаҳарларида бўлгани каби водий бозорларида ҳам ҳайит ва рўза кунлари бозоришаб (кечки бозор) бўлар эди. Бозоришабда шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ёки майдони безатилиб, кўчанинг икки четидаги чойхона ва дўконлар олдига чорполар қўйилиб, ҳар хил мева ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган. Карнай-сурнай ва ноғоралар чалиниб, махсус жарчилар одамларни бозоршабга чорлаб турган. Бир томонда дорбоз, масхарабоз, кўғирчоқбозлар, иккинчи томонда кураш ва ўргатилган ҳайвонлар томошаси бўлиб турган. Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, қизиқчи ва раққослар ўз санъатларини намойиш қилишган [3].

XIX аср бошларида Туркистонга келган рус сайёҳи Ф.Назаров ўзининг эсдаликларида Қўқон шаҳрининг ўртасида тошдан қурилган 3 та бозор бўлгани, уларда ҳафтада 2 кун савдо қилингани ҳақида ёзган [4]. Хонлик иқтисодий ҳаёти анча мўътадилликка эришган XIX аср ўрталарида эса, Қўқонда бозор ҳафтада уч кун – чоршанба, пайшанба ва якшанба кунлари эрталабдан кечгача давом этган. Чоршанба

Ш.Ю.Охунжонова – ЎзР ФА тарих институти таянч докторанти.

## ТАРИХ

асосий бозор куни ҳисобланиб, шу куни бозорга хонликнинг турли шаҳарларидан ва қўшни ҳудудлардан савдогарлар келганлар [4].

Бозорларга қўшни шаҳар ва қишлоқлардан турли тоифадаги савдогарлар, уларнинг ишончли вакиллари ўз моллари билан келиб олди-сотдини амалга оширган. Баъзи чаққон савдогарлар эса молларини юклаб, бир шаҳардан иккинчисига йўл олган. Шаҳарларда бозор кунларидан ташқари ҳам савдо-сотиқ ишлари амалга оширилган. Бундай кунларда асосан кундалик эҳтиёж моллари, баққоллик маҳсулотлари билан савдо қилинган. Жумладан, Наманган, Қарши, Самарқанд, Хўжайли каби шаҳарлар бозорлари доимий гавжум бўлган [2].

Қўқон атрофидаги қишлоқларда ҳам ҳафтанинг турли кунларида бозорлар ташкил этилган. Масалан, Конибодомда якшанба, Бешариқ, Янгиқўрғон ва Олтиариқда душанба, Яйпан, Бувайда ва Риштонда сешанба, Исфарада чоршанба, Чорқуда пайшанба куни бозор бўлган.

XIX асрнинг охирида савдо муносабатлари ва бозорлар ҳақида ўлкага ташриф буюрган сайёҳлар қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Масалан, В.В.Вельяминов-Зернов 1854 йилда Қўқон хонлигидаги ички савдо алоқалари ҳақида ёзиб, энг катта бозорлар Тошкент ва Қўқонда ҳафтада икки марта (якшанба ва чоршанба кунлари) бўлишини таъкидлаган. Айниқса, қўшни ҳудудлардан бозорларга ғалла, ип газламалар ва турли хил хўжалик буюмларини олиб келтирилгани, барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмагани ҳақида маълумот берган [1].

“Туркестанские ведомости” газетасида Туркистонда савдодан закот ўрнига бож тўлашга ўтиш билан боғлиқ масалалар ҳам ёритилиб борилган. Хусусан, 1880 йилда М.Михайлов қаламига мансуб мақолада, 1875 йилда вақтинча тадбир сифатида киритилган савдо бож тўловлари тўлаш маҳаллий бозорларда кенг қўлланила бошлангани қайд этилган [5].

Қўқон бозорлари расталарга бўлинган бўлиб, ҳар бир растанинг ўз оқсоқоли бўлган. Оқсоқол ўз растасини ёрдамчиси билан биргаликда назорат қилган. Тунлари ҳам расталар хавфсизлиги учун оқсоқол жавобгар бўлган ва ойига ҳар бир дўкондан 10 коп. дан пул йиққан [6,28].

Бозорлар жойлашган ерлар хусусий ёки шаҳарга қарашли эди. Дўконларда савдо

қилмаганлар 60 коп. бадал тўлар эди. Савдогарлар ўз жойларига ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ эди, сотиб олинган жой унинг хусусий мулки ҳисобланган. Оддий дўконнинг нархи 40 руб. бўлса, икки қаватлик дўконники 120 руб. бўлган. Аксарият ҳолларда дўконларнинг ҳажми уч квадрат аршиндан иборат эди. Савдо дўконлари маҳаллий усулда қурилган, сомон сувоқ қилинган ва поли лойлик бўлиб, унга кигиз тўшалган. Баъзи дўконларда омбор ҳам қурилган, уларда лойдан полка (қават)лар ясалган. Бозорларда икки қаватли дўконлар ҳам учраб турган, биринчи қавати дўкон вазифасини бажарса, иккинчи қаватига ортиқча маҳсулотлар қўйилган. Бир қатор дўконлар олдида умумий қилиб айвон солинган. Бу ерда савдогарлар бўш вақтларида суҳбат қуришган ва чой ичишган [7].

XIX аср биринчи ярмида Қўқон бозорлари меъморчилиги, ташкилий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги, озодалиги, тўқинлиги ва савдогарлар учун яратилган шароитлар бўйича Ўрта Осиёда етакчи мавқени эгаллаган.

Қўқон хонлиги бозорларидаги савдо алоқалари бир маромда давом этиши ва тозалик, тартиб-интизомга риоя қилишга давлат амалдори – раисларнинг ўрни катта бўлган. Раис хонликнинг шаҳарларида баъзан қози - раис деб ҳам аталган. Бу лавозимга хулқ-атвори яхши, шариат илмининг чуқур билимдони ҳамда аҳоли ўртасида ҳурмат ва эътиборга эга бўлган кишилар тайинланган. Бу вазифага баъзан қозилар ҳам тайинлангани учун ҳам қози раис деб аталган. Хусусан, Тошкент ва Қўқонда (Россия истилосига қадар) биттадан раис бўлган. У бозор кунлари ўзининг халфа деб аталадиган 10 дан ортиқ ёрдамчиси билан бозор айланган. Раис бозорда тартиббузарликни олдини олган, тарозиларни тўғри ишлаётгани, ҳатто хунармандлар томонидан тайёрланган буюмлар сифатини ҳам текширган. Шунингдек, спиртли ичимликлар савдосига қарши курашган. Бозордаги нарх-наводан, савдогарлардан ва тарозидан норози харидорлар арзларини эшитган ҳамда айбдорларни жазолаган. Жазо икки усулда амалга оширилган бўлиб, биринчисида айбдорга 3 тадан 39 тагача қамчи билан урилган бўлса, иккинчисида бозор ва шаҳар кўчаларида сазойи қилинган. Раиснинг ҳукми хонликдаги оддий фуқаролардан тортиб, амалдор ва хорижликлар учун ҳам қатъий эди.

Водий бозорларида аҳолининг ҳордиғи учун бир қатор имкониятлар мавжуд эди. Улар жумласига, чойхона, ҳаммом, сартарошхона ва бошқа жамоатчилик масканларини киритиш мумкин. Қўқон хонлиги бозорлари чойхоналари билан ҳам машҳур бўлган. Хонликнинг Қўқон, Тошкент, Наманган, Марғилон, Хўжанд ва бошқа йирик шаҳарларида ўнлаб чойхоналар фаолият юритган.

Қўқон бозорларида керакли шароитлар яратилган кўплаб ҳаммомлар ҳам ишлаб турган. Қўқондаги ҳаммомлар озодлиги ва хизмат кўрсатиш сифати билан машҳур бўлган. Ҳаммомларда иссиқ ва совуқ сув, кудук, дам олиш хонаси, ошхона бўлган. Шунингдек, В.В.Вельяминов-Зернов томонидан XIX аср ўрталарида Қўқонда 6 та, Тошкентда 11 ҳаммом ишлаб тургани ҳақидаги маълумотлар келтирилган [3].

Ўзга юртлиқ савдогарлар карвонсаройларда яшаб, турли моллар олганлар ва сотганлар. Одатда, хонлик карвонсаройларининг ҳар бирида 12 тадан 35 тагача дўконлар мавжуд бўлган ва уларда асосан улгуржи савдо амалга оширилган. Савдогарлар карвонсарой дўконларини ижарага олганлар ва маълум миқдорда ижара ҳақи тўлаганлар. Хусусан, XIX асрда Қўқон ва Тошкент карвонсаройларининг шароити ва нуфузига қараб савдогарлар бошқарувчига дўкон ижараси учун йилига 3 ёки 5 тиллогача ҳақ тўлаган. Карвонсаройларда от-уловларни сақлаш учун ҳам махсус жойлар мавжуд бўлган. Уларга ем-хашак карвонсарой хисобидан берилган. XIX аср ўрталарида савдогарлар Қўқон, Тошкент, Туркистон карвонсаройларида туя ва от учун 5 коп.дан жой ҳақи тўланган.

В.В.Вельяминов-Зернов XIX аср ўрталарида Қўқонда 9 та карвонсарой борлиги ҳақида маълумот берган[8]. Шунингдек, XIX аср 70-йилларида Қўқонда бўлган А.П.Хорошхин шаҳарда 10 та карвонсарой борлигини таъкидлаган. Улардан бири Закотсаройда русийзабон, иккинчисида пахта билан олди-сотди қилувчи савдогарлар турганлиги қайд этилган. 1897 йилда Андижонда ҳам 22 та карвонсарой борлиги қайд этилган [13].

XX аср бошларида АҚШнинг Туркистонга ташриф буюрган Россия элчиси Южен Скайлер ўлкадаги кўпгина шаҳарларда бўлиб, бу ердаги савдо, бозорлар, ишлаб чиқариш соҳаларига оид кўпгина қизиқарли маълумотлар тўплаган. Жумладан, у Қўқонда ишлаб чиқарилган сифатли қоғозлар Ўрта

Осиё бозорларида жуда харидоргир эканлигини ёзиб қолдирган[9,210]. Тошкентда XIX аср охири – XX аср бошларида 55 та карвонсарой бўлиб, шундан 20 тасида савдо олиб борилган. Уларнинг 4 тасида тўхташ жойи ва омборлар бўлган. Қолган 35 таси фақатгина қўналға, яъни карвонлар тўхтайдиган ҳовли бўлган [10].

Қўқондаги Мўйи Муборак дарвозаси орқасида, Чорку қишлоғида қоғоз ишлаб чиқариш фабрикаси бўлиб, нафақат Қўқонда, балки бутун Ўрта Осиёда ҳам машҳур эди. 1871 йилда Қўқонга келган А.Федченко ишлаб чиқарилган қоғозлар нафақат ички бозорда харидоргирлиги, ҳатто хорижий ўлкаларга ҳам экспорт қилинганини таъкидлаган [11,64].

Қўқоннинг Кошғар, Бухоро ва Тошкент билан савдо алоқалари XIX асрнинг 70-йилларида ҳам давом этган. Хусусан, Қўқондан Тошкентга пахта, мевалар, жун, тери, ипак (Қўқон ва Марғилон корхоналарининг ипак матолари), Қўқонга Авлиёота орқали қирғиз даштларидан чорва моллари, Тошкентдан мануфактура буюмлари, қанд, темир, Бухородан ҳинд чойлари, ипак маҳсулотлари, Кошғардан чинни идишлар, кумуш ёмби, кимхоб, турли кигиз ва гиламлар келтирилган [16,296].

XIX аср ўрталарида Қўқондан ва хонликнинг бошқа шаҳарларидан ҳар йили Тошкентга 16 минг туя моллар келтирилган. Шундан 4 минг туя пахта, 200 туя йигирилган ип, 10 минг туя ип газлама, ярим ипак ва ипак матолар, чапон, кўрпа, чалвор (теридан тикилган), қолган 2 минг туяда ҳўл мевалар келтирилган. Ҳар йили четдан моллар киритиш 4580 минг руб.гача етган[16].

Қўқон хонлиги азалдан Қозоғистоннинг жанубий ва жануби-шарқий туманлари билан анъанавий савдо алоқалари ўрнатган. Қўқон савдогарлари чопон, кўрпа ва турли хил матоларни қозоқ кўчманчиларининг чорва, тери, ёғ, жун ва мўйналарига айирбош қилган [15]. Россиядан эса 1877 йил Андижонга чит ва сурп 20756 сўмлик, самовар 3792 сўмлик, темир 5112 сўмлик, чой 2500, бўёқлар 1246 сўмлик ёки ҳаммаси бўлиб 33406 сўмлик товар келтирилган [14].

Минтақа иқтисодиётини ўрганиш учун Тошкентда очилган Ўрта Осиё саноат ва қишлоқ хўжалигига доир 1886 ва 1890 йилларидаги Туркистон кўрғазмаларида маҳаллий уста ҳунармандлар ҳамда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқилган буюмлар иштирокчиларнинг диққат эътиборини тортган [12,236]. Қишлоқ хўжалиги

## ТАРИХ

кўргазмаларида барча тармоқлар бўйича уста хунармандларнинг маҳсулотлари намойиш этилган. Жумладан, 1871 йилнинг кузида кўргазмадан Россияга 116.775 рубллик ипак олиб кетилган. 1876 йили Тошкентда ўтказилган кузги ярмаркадан эса Оренбургга бор йўғи 12.130 рубллик ипак олиб кетилган [15] (Фарғона водийсидаги қўзғолон туфайли беқарорлик ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши ва савдо-сотиқнинг ишдан чиқишига сабаб бўлган).

XIX асрнинг охирида Туркистон матбуотида ҳам ўлка иқтисодий ҳаётининг ҳолатини таҳлил этувчи мақолалар чоп этила бошлаган. Чунончи, “Туркестанские ведомости” газетасида В. Островскийнинг ўлканинг 25 йилдаги (1867-1892 йилларда) иқтисодий аҳволидаги рўй берган ўзгаришлар таҳлил этилган. Унга кўра, Тошкент, Қўқон ва Самарқанд каби шаҳарларда савдо айланмаси бир неча ўн миллион рублни ташкил этган[5].

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида яшаган Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли (Ибрат) ипак, атлас, адрас, беқасам ва шоҳининг Бухородан то Ҳиндистон ва Арабистонгача сотилишини айтиб ўтган [5].

XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида ўлкада савдо муносабатлари ўзига хос равишда ривожланган. Аҳоли турмуш тарзининг фаровонлигида савдо муносабатларининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, давлатнинг салоҳияти кучли бўлган даврларда мамлакат иқтисодиёти раванқ топган, янги бозорлар қурилган, мавжудлари кенгайтирилган. Савдо дўконлари, карвонсаройлар ва бошқа иншоотлари барпо этилган. Савдо муносабатлари, бож тизими тартибга солиниб, уларнинг назорати кучайтирилган. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг яшаш шароитини яхшилланишига хизмат қилган.

## Адабиётлар:

1. Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари XVI - XIX асрнинг ўрталарида. — Т.: Adabiyot uchqunlari, 2017.
2. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. — Т., 1996.
3. Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве. Вестник Русского географического общества, часть XVIII, отд. 2. — СПб., 1856.
4. Зияева Д. XIX – XX аср бошларида Туркистон шаҳарлари тадбиркорлик тарихидан // Ўзбекистон тарихи. - 2007. -№ 3.
5. Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос туркумида. —Т.: Камалак, 1991.
6. Каримова М. Ж. XIX аср охири - XX бошларида Туркистоннинг савдо алоқалари (Фарғона водийси мисолида): тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. — Т., 2008.
7. Коротков Ф. Базары в нагорных тюменях Зеравшанского округа // Туркестанские ведомости. -1877. -№41.
8. Мадраҳимов З. Қўқон шаҳри бозор ва карвонсаройлари тарихи // "Uzbekim" muxbiri. Қўрилди: 07/09/2012.
9. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоярхана). — Т.: Фан, 1973.
10. Нурали Қобул, Авлодларимиз ҳам қайта қурадимиз? // Фитна санъати.—Т.,1989.
11. Савицкая. Н.А. История развития рыночной торговли и базаров города Ташкента в колониальный период (1865-1917 гг.). — Т., 2012.
12. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон чор Россияси мустамлақчилиги даврида. Биринчи китоб. — Т., 2000 .
13. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 226000 –иш, 16 варақ. Э
14. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 5211 –иш, 8 варақ.
15. ЎзР МДА, 469-фонд, 1-рўйхат, 278 –иш, 30-47- варақ.
16. Шадмонова С. Б.Туркистон тарихи матбуот – кўзгусида (1870-1917 йиллар). — Т.: Янги нашр, 2011.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).